



**ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА МАМЛАКАТНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Маматов Сардор Ахмаджонович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a13](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a13)

**Аннотация.** мақолада институционал ислоҳотлар шароитида иқтисодиётини рақамлаштириш, унда илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари, интеллектуал мулкдан, интернетдан фойдаланиш билан боғлиқ таҳдидларни тадқиқ этиш асосида мамлакатни иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал модели тавсия этилган ва илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий хавфсизлик, миллий иқтисодиёт, рақобатбардошлик, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари, илмий салоҳият, интеллектуал мулк, интернет, стратегия, IT технологиялари, концептуал модель.

**ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ В УСЛОВИЯХ  
ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ РЕФОРМ**

**Маматов Сардор Ахмаджонович -**  
Ташкентский государственный экономический  
университет независимый исследователь,

**Аннотация.** В статье представлена концептуальная модель обеспечения экономической безопасности страны на основе цифровизации экономики в условиях институциональных реформ, научных исследований, опытно-конструкторских работ, исследования угроз, связанных с использованием интеллектуальной собственности, Интернет рекомендован и научно обоснован.

**Ключевые слова:** экономическая безопасность, национальная экономика, конкурентоспособность, научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы, научный потенциал, интеллектуальная собственность, Интернет, стратегия, IT-технологии, концептуальная модель.

**ISSUES OF PROVIDING THE ECONOMIC SECURITY OF THE COUNTRY IN THE  
CONDITIONS OF INSTITUTIONAL REFORMS**

**Mamatov Sardor Akhmadjonovich -**  
Tashkent State University of Economics  
independent researcher

**Annotation:** in the article, a conceptual model of ensuring the economic security of the country based on the digitization of the economy in the context of institutional reforms, scientific research, experimental design works, research of threats related to the use of intellectual property, the Internet is recommended and scientifically based.

**Key words:** economic security, national economy, competitiveness, scientific research and experimental design work, scientific potential, intellectual property, Internet, strategy, IT technologies, conceptual model.

**Кириш.** Мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси миллий хўжаликда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, унинг механизми ва инструментларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни назарда тутди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ҳам алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтганлар: “Қачонки, ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади”[1]. Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётда рақамлаштириш, ижтимоийлаштириш, ресурсли ва

инфратузилмали ривожланишда тенгсизлик муаммоларининг кескинлашуви мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Бу миллий иқтисодиёт олдида турган ички ва ташқи таҳдидлар билан боғлиқ. Мамлакат ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун масъулияти ва жавобгарлигини ҳисобга олган ҳолда, юқори мослашувчан мобиллик ва иқтисодий соҳада манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмига эга тизимни шакллантириш долзарб аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Миллий иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш назарияси ва услубиятини тадқиқ этган хорижлик олимлар қаторида Б.Г.Клайнер, Г.А.Саймон, Г.Хакен У.Б.Артур Р. Майерсон,

Э.Маскин, Й.А.Шумпетер, А.Ю.Чаленко Н.Луман, Дж.Р. Коммонс, К.Майнцер, Л.Гурвиц, Э.Морена, К.Э.Шеннон кабиларни келтириш мумкин.

Россиялик олимлардан Л.И.Абалкин, В.Л.Береснев, А.Д.Бурикин, О.В.Дамаскин, Д.К.Дьячковский, А.В.Козлова, Е.А.Колесниченко, М.Я.Корнилов, В.В.Криворотов, С.Е.Лелюхина, Г.Е.Лягушева, Е.С.Митякова, Е.А.Олейников, В.И.Орехов, В.С.Панков, В. К.Сенчагов, А.И.Татаркин, Д.В. Третьяков ва бошқалар ушбу мавзуга бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ўзбекистон Республикасида ташқи ва ички таҳдидлар шароитида иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатларини Республикаимиз олимларидан Абулқосимов Х.П. Расулев Т.С., Маматов А.А., Қодиров А.М., Назаров Ш.Х., Абдусаломов М. О., Ахмедов Т.М., Садыков А.М., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н., Ўлмасов А. Вахобов А.В., Жўраев Т.Т., Турсунов Б.О. ва бошқаларнинг мазкур соҳага даҳлдор илмий тадқиқот ишларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси дастлаб давлат ташкилотлари даражасида тан олинган ва институционал жиҳатдан қайд этилган, чунки узоқ вақт давомида давлат суверен ҳуқуқларнинг ягона эгаси сифатида қабул қилинган эди. 1934 йил июнь ойида АҚШ Президенти Ф. Д. Рузвельт дунёда биринчи марта “Иқтисодий хавфсизлик кўмитасини ташкил этди[2].

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал назарияси асосчиси Дж.Р. Коммонс институтларни тарихий ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қўллаб-қувватлаб унга кўра “эволюцион” тушунчаси “институционал” тушунчаси билан мазмун ва маъноси бир хил бўлади деб таъкидлайди[3].

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда иқтисодий механизм концепциясининг асосчиси Л.Гурвиц, механизм тушунчасини ва “рағбатлантирувчи мувофиқлик шартларини” аниқлаган, марказлашмаган механизмларнинг аҳамиятини кўрсатиб, механизм бўйича тадқиқотларнинг асосий йўналишларини аниқлаган [4].

Рус олими В.К.Сенчагов иқтисодий хавфсизликни “... ички ва ташқи жараёнларни ривожлантириш учун энг ноқулай шароитларда миллий манфаатларни кафолатли ҳимоя қилиш, умуман, мамлакатнинг барқарор ижтимоий йўналтирилган ривожланиши таъминланган иқтисодиётнинг ҳолати” деб таъкидлаб ўтади[5]. М.В. Россинский иқтисодий хавфсизлик тушунчасини “иқтисодий мустақиллигини, самарадорлигини, рақобатбардошлигини, барқарорлигини ва миллий иқтисодиётни фаоллаштириш ва уни ривожлантириш қобилиятини таъминлай-

диган тартибли, ўзаро боғлиқ, уйғунлашган тизимнинг мавжудлиги” деб тушунган [6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Абулқосимов Х.П. “Иқтисодий хавфсизлик мамлакат манфаатларига ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлигини ифодалайди. Иқтисодий хавфсизлик ўз ичига табиий-техноген, озиқ-овқат, умумиқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ва ижтимоий хавфсизликларни олади” деб баҳо берган[7]. Профессор Турсунов Б.О. “иқтисодий хавфсизлик тушунчасини миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустақамлиги, доимо янгиланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омилар йиғиндиси” деб баҳо берилган[8].

Юқорида келтирилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, миллий иқтисодиётни рақамлаштириш, унда илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларини юритиш, интелектуал мулкдан, интернетдан фойдаланиш билан боғлиқ таҳдидларни тадқиқ этиш асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал моделини илмий жиҳатдан асослаб бериш муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, иқтисодий жараёнлар ва тизимларни моделлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш ва жадвал усуллари билан фойдаланилади

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-6079-сон фармони[9] ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда кенг қўламли рақамли иқтисодиёт дастури ишга туширилди.

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” дастури ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз “Рақамли дунё”да ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади. “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятларини беради. Зеро, бутун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”[10]. Рақамлаштириш жараёнида иқтисодий хавфсизлик соҳасида янги хавф ва таҳдидлар пайдо бўлиб, улар иқтисодиётнинг мувозанасиз ҳолатларининг асосий манбалари сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга, тадқиқотчилар рақамлаштиришдан кутилаётган ижобий таъсирни, масалан, реал вақт режимида

ахборот маконининг иштирокчилари ўртасида кенг қўламли маълумотлар алмашинуви, иқтисодий бошқарув сифатини яхшилаш, мамлакатдаги минтақалараро ва минтақа ичидаги фарқларни текислаш ва ҳқ.

Ахборот жамияти ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш манбаи мамлакатнинг рақобатбардошлигини белгилайдиган ва иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий омили сифатида фаолият юритувчи интеллектуал ресурслардир. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг интеллектуал ресурслари аҳолининг ялпи билим, кўникма, ахборот, технологик ва маънавий салоҳияти, таълим даражаси ва сифати бўлиб, ундан узоқ муддат давомида иж-

тимоий-иқтисодий бойликларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш тушинилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида юқори малакали ишчилар улушининг йиллик ўсишига, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини (ИТТКИ) олиб борувчи ташкилотлар сони тўғридан-тўғри таъсир этади. 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда ИТТКИ олиб борувчи ташкилотлар сони 2015 йилда 323 тадан 2018 йилда ўзининг максимал 668 тага етиб, кейинги даврларда ушбу тураги ташкилотларни бюджетдан молиялаштиришдаги муаммолар сабабли камайиб 2021 йилга келиб, 332 тага тушиб қолди.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси ҳамда унинг минтақаларида илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар сони[11]**

№	Худудлар	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2021 й.
1.	Ўзбекистон Республикаси	323	389	668	304	332
2.	Қорақалпоғистон Респ.	19	24	30	9	12
3.	Анджон вилояти	9	10	22	5	10
4.	Бухоро вилояти	12	12	24	10	12
5.	Жиззах вилояти	12	10	10	7	8
6.	Қашқадарё вилояти	10	15	23	4	6
7.	Наввой вилояти	10	9	11	6	7
8.	Наманган вилояти	10	10	10	9	11
9.	Самарқанд вилояти	18	18	34	14	16
10.	Сурхондарё вилояти	5	13	19	8	9
11.	Сирдарё вилояти	12	6	10	4	5
12.	Тошкент вилояти	31	32	59	25	28
13.	Фарғона вилояти	17	21	36	15	18
14.	Хоразм вилояти	6	9	15	7	9
15.	Тошкент ш.	152	200	365	181	181

Бу даврда ИТТКИ олиб борувчи ташкилотлар сони минтақалар бўйича қуйидаги хусусиятларга эга. Сурхондарё вилоятида 9 та ва Самарқанд вилоятида 16 та ИТТКИ олиб борувчи ташкилотлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида ИТТКИ олиб борувчи ташкилотларнинг асосий қисми (62,9 %) Тошкент ш (54,5%) ва Тошкент вилоятига (8,4%) тўғри келмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг рақамли иқтисодиётга трансформациялашуви шароитида ИТТКИга йўналтирилган инвестицияларнинг роли катта. Иқтисодиётда ИТТКИ ишланмаларини амалда қўллашнинг даромадлилик эҳтимоли иқтисодий ўсиш сифати хусусиятларини белгилаб беради ва натижада иқтисодий ўсиш юз беради[12]. Тадқиқотимизда Ўзбекистон Республикасида ИТТКИга қилинган харажатларнинг минтақалар бўйича таҳлили муҳим ўринни эгаллайди. 2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича ИТТКИга қилинган харажатларнинг асосий 62,3 % Тошкент ш тўғри келмоқда. Тадқиқ

этилаётган даврда унинг улуши 64,4 %дан 2015 йилда 62,3 %гача ўзгариб турган. ИТТКИга қилинган харажатларда минтақалар бўйича иккинчи ўринда Фарғона вилояти 10,0 %, учинчи ўринда Тошкент вилояти 9,5 % ва тўртинчи ўринда Наввой вилояти 7,5 % билан эгаллайди. Энг қуйи ўринда Сурхондарё вилояти 0,12 %, Сирдарё вилояти 0,15 % ва Қашқадарё вилояти 0,67 % билан эгаллайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида янги технологик укладнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, билимларни бозорда аниқ маҳсулотга жадал узатиш, мавжуд ресурсларни қайта тақсимлашга имкон берувчи ваколатли молиялаштириш механизмларини яратиш, ҳамда рақамли иқтисодиёт инфратузилмаси бўлган технопарк, тадқиқот ва муҳандислик марказларини инновацион кластерларини ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳамда унинг минтақаларида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар [13]

№	Минтақалар	2015 й.	2019 й.	2021 й.
1.	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	2,36	1,91	1,8
3.	Андижон вилояти	1,15	0,91	0,76
4.	Бухоро вилояти	2,38	2,02	1,86
5.	Жиззах вилояти	0,40	0,34	0,28
6.	Қашқадарё вилояти	0,60	0,80	0,67
7.	Наввой вилояти	5,07	8,10	7,58
8.	Наманган вилояти	0,47	1,50	1,42
9.	Самарқанд вилояти	2,60	2,86	2,63
10.	Сурхондарё вилояти	0,51	0,14	0,12
11.	Сирдарё вилояти	0,28	0,18	0,15
12.	Тошкент вилояти	7,93	9,91	9,5
13.	Фарғона вилояти	11,32	10,01	10
14.	Хоразм вилояти	0,50	1,02	0,85
15.	Тошкент ш.	64,40	60,30	62,38

Бугунги кунда энг долзарб бўлган яна бир тренд когнитив технологиялардир. Когнитив кластер технологиялари сунъий ақл тизимларини яратиш учун инсоннинг ақлий ва ҳиссий функцияларини билиш, ўрганиш ва англашни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида 2021 йилдаги ихтирочилик фаолиятини таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, ихтиролар учун патент талабномаларининг умумий сони 2015 йилга нисбатан деярли ярмига кўпайган ва 145 та аризани ташкил этган. Саноат намуналари учун патент талабномаларининг умумий сони камайди. Умуман, ўрганиш даврида интеллектуал мулк ўсиши динамикаси беқарор эканлигини кўрсатмоқда. “Олимларимиз томонидан яратилган ва патентланган ихтиролар тижоратлаштирилиши йилига 1 фоизига ҳам етмаган, сабаби патент аксарият ҳолларда докторлик диссертацияларни ҳимоя қилишда, ҳисоботларда акс эттириш мақсадида олинмоқда” [14].

Ўзбекистон Республикаси минтақалари орасида Тошкент ш, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш бўйича етакчи бўлиб қолмоқда. Бешта етакчига Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ҳам киради. Рақамли иқтисодиёт тармоқли тузилмаларнинг фаол ривожланиши, анъанавий ташкилот шакллари янада мослашувчан ва самарали бўлган тармоқли тузилма шакллари билан алмаштириш билан тавсифланади, бу эса рақобатбардошлик даражасини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида кластерларнинг турли хил тармоқ тузилмаларини ташкил этиш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Кластерларни яратиш нафақат унда фаолият юритаётган компанияларни балки, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминловчи тизим бўлганлиги учун

“кластер ташаббускорлари” йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 134 та пахтачилик-тўқимачилик кластерлари фаолият юритмоқда ва уларга 1.034 млн. гектар ерда Кластерлар томонидан жорий йилда ғўза парваришланмоқда ва ривожлантириш бўйича давлат дастурлари қабул қилинмоқда” [15]. “Пахта ва тўқимачилик саноати ягона технологик бўғинга уланган корхоналар мажмуаси бўлиб, у фан ютуқлари ва энг янги технологияларни амалий фаолиятга жорий этиш ҳамда таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялашни ўз ичига олади” [16]. Бу миллий иқтисодиётга нафақат инновацион, балки миллий ва глобал иқтисодиётда ижтимоий-иқтисодий сиёсатини самарали амалга оширишда унинг барқарор мавқеини таъминлашга хизмат қилувчи институционал шарт-шароитларни шакллантириш имконини беради. Миллий инновацион кластерлар тадбиркорлик ташаббуслари эвазига, турли тармоқ ва тузилмаларни барпо этиш жараёнларда асосий ўринни эгаллайди. Бугунги кунда ахборот ва алоқани излаб топишнинг асосий инструменти интернет бўлиб, у жамиятдаги коммуникация усулларини тубдан ўзгартирмоқда. Рақамли платформалардан фойдаланиш тўғридан-тўғри коммуникацион алоқа қилиш имкониятини беради ва унинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқа қилиш жараёнини осонлаштиради. Глобал маълумотлар узатиш тармоғига кириш имконияти йўқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, маълумотларни бошқа мамлакатлар бозорлари ва технологияларига ўтиш имкониятига эга бўлмай, жаҳон тараққиётдан “ташқарида” бўлиб қоладилар ва рақобатбардошлигини йўқотадилар.

Ўзбекистон Республикасида 2015 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда интернетдан фойдаланувчи ташкилотлар сонининг барқарор



ўсиш динамикасига эга. 2021 йилга келиб, Интернетга уланган ташкилотларнинг ўртача улуши 81,1 %ни ташкил этади. Бу республикада ишлаб чиқариш ташкилотлар ва аҳолини интернетга уланиш ишларини фаоллаштиришни талаб этади. Шу билан бирга рақамлаштириш дастурининг ижобий ролига қарамай, унинг камчиликларини таъкидлаб ўтиш керак:

Биринчидан, дастурда миллий иқтисодиётнинг технологик жиҳатдан қолоқлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан минтақалараро дифференциация мавжудлиги ва бошқалар ҳисобга олинмаган;

Иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг рақамли иқтисодиётга ўтишга тайёрлик мониторинги мавжуд эмас;

Учинчидан, стратегияда истиқболда ахборот жамияти ва рақамли технологияларнинг ривожланиши оқибатлари билан боғлиқ мумкин бўлган хавфлар, таҳдидлар кўрсатилмаган.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг иқтисодий хавфсизлик тизимида аниқланган таҳдидлар, бизга амалий ҳаракатлар тўпламини ишлаб чиқиш учун бошланғич нуқта ҳисобланади. Шундай қилиб, иқтисодиётни рақамлаштириш босқичида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг аниқланган омиллари ва институционал жиҳатлари бизга миллий иқтисодиётнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш имконини берди (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал моделининг кириш қисмида миллий иқтисодиётнинг институционал шарт-шароитлари, хусусиятлари ва иқтисодий хавфсизлик омиллари ҳамда иқтисодий хавфсизлиги тизимининг ташкилий тузилмаси туради. Чиқиш қисмида хавфсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шарт-шароитлари туради.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича таклиф этилаётган модель тизимининг энг муҳим таркибий қисмларини унда ифода этилганлиги билан тавсифланади:

1) жараёнли, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим йўналишларида ресурсларни тартибга солиш, назорат қилиш, концентрациялашни таъминлайди;

2) таркибий тузилмани шакллантирувчи, бўлимлар ва хизматлардан иборат бўлган ялпи бошқарув органларининг тўплами бўлиб, иқтисодий хавфсизлик тизимини норматив-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий, кадрлар ва техник таъминоти функцияларини амалга оширади.


Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш моделининг конструкциясини шакллантириш жараёнида тизимли ва институционал-эволюцион ёндашувлар инструментлари ҳамда иқтисодий тизимнинг мураккаблигини, иқтисодий хавфсизлик омилларининг хилма-хиллиги, шунингдек, иқтисодий хавфсизликни бошқариш функциялари ва механизмларини ҳисобга олиш имконини берувчи асосий ташкилий таъминотлардан фойдаланилди.

Давлат томонидан республика даражасида амалга ошириладиган иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг умумий механизмларидан ташқари, моделда миллий иқтисодиёт даражасида амалга ошириладиган иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг махсус механизмлари: тартибга солувчи, молиявий, ташкилий ва маъмурий, ижтимоий шериклик механизмлари, инфратузилма, ахборот, ўз-ўзини ташкил этиш ва конвергенция механизмлари келтирилган. Махсус иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми мажмуали қўлланилиши ва минтақавий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимининг бир қисми бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш модели конвергенция механизми каби ўзига хос механизмни ўз ичига олади, уни амалда қўлланиши ФТТни рағбатлантириш орқали иқтисодиётни таркибий трансформациялаш ва иқтисодиётни рақамлаштириш, минтақалараро инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали минтақалараро ва ички минтақавий дифференциация даражасининг сезиларли даражада камайишига олиб келади.

Маълумки, иқтисодиёт ва жамиятнинг ривожланишининг асоси сифатида техник ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг умумий тенденциялари ва мажбуриятларига асосланади, улар миллий иқтисодиётининг ўзига хос ҳудудий хусусиятларини сақлаб қолиши билан уларни яқинлашишини, яъни конвергенциясини таъминлайди. Конвергенция умумий маънода ягона бир бутун барқарор мувозанат ҳолатга яқинлашиш маъносини ифода этиб, турли хил тизимларда ўхшаш атроф-муҳит шароитларига мослашиш натижасида бир хил хусусиятларни шаклланиши ва ривожланишини англатади.

Таҳлиллар кўрсатадики, иқтисодиёт глобаллашуви шароитида интеграция жараёнлари устунлик қилмоқда, жаҳон савдо айланмаси, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва технологиялар импорти ҳажми ошиб бормоқда, бу конвергенция жараёнларининг ривожланишини, яъни турли мамлакатлар, минтақалар иқтисодиётининг яқинлашишини белгилайди.



1-расм. мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал модели 1 / 1

Интеграциялашув ва рақамлаштиришнинг асосий самараси замонавий бизнес тузилмаларининг инновацион ривож, яшовчанлиги, юқори ўсиш суръатлари, бу каби жараёнларнинг амалий бошқарилиши, бевосита ушбу жиҳатларнинг сон қийматида юритилиши билан аҳамиятлидир. Бироқ глобаллашув омиллари мамлакат ва минтақаларнинг конвергенцияси жараёнига ёрдам беришига қарамай, биз мамлакатлар ва минтақалар ўртасида ошиб бораётган номунатосибликни ҳисобга олмай, фақат глобал ўртача кўрсаткичларнинг конвергенцияси ҳақида гапириш мумкин. Шу сабабли, минтақаларро ва ички минтақавий ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни ўрганиш энди қарама-қарши – дивергенция жараёни Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти учун юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни аниқлашга қаратилган бўлиши керак.

“Дивергенция” атамаси энг умумий маънода дивергент траекториялар бўйлаб ҳаракатни англатади, бу алоҳида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқлар ошганлигини ифода этади. Ўзбекистон Республикасида дивергенция даражасини ўсиш тенденцияси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан қутбланишида, пойтахт мегаполислари ва вилоят марказларининг иқтисодий ролининг ошишида айниқса сезилади.

Бугунги кунда аҳолининг ва ялпи инвестицияларнинг учдан бир қисми, савдо-сотиқнинг ва умумий овқатланиш 60 %дан ортиғи мамлакат минтақалари марказларида тўпланган. 2021 йилда минтақавий дифференциация янада кучайди ва минтақалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий фарқлар муаммоси, давлат хокимияти томонидан олиб борилаётган бюджетни мослаштириш сиёсатига қарамай, минтақавий табақаланиш даражасининг ошиши ёмонлашди, бу мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига ҳақиқий таҳдиддир.

Шаклланган жараёнлар миллий иқтисодиётимизнинг конвергент ривожланиш тамойилларига асосланган иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича сифат жиҳатидан янги концептуал ғояларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Хорижий иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш ва олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан мамлакатни конвергент ривожлантириш механизми аниқлаш ва тавсифлаш имконини берди. Ушбу механизмга қуйидагилар киради: иқтисодиётни рақамлаштириш; мамлакатда инновацион фаолиятни рағбатлантириш; ишлаб чиқариш омилларининг (меҳнат, капитал) технологик трансферти ва ҳаракатчанлигини рағбатлантириш; иқтисодиётни таркибий трансформациялаш; минтақаларро, ички минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожланти-

риш; институционал ислоҳотлар ва бошқалар. Бундай механизмлар ва уларни амалга ошириш доирасида қабул қилинган бошқарув чора-тадбирлар – Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг номунатосиблик даражасини пасайтиришга ёрдам беради ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегиясининг ажралмас қисмига айланиши керак.

Демак, тасвирланган конвергенция механизми, инновацион ва рақамли иқтисодиёт инструментлари орқали Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг минтақаларро ва ичкиминтақавий тенгсизликни камайитиришга ёрдам берадиган бошқарув чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми сифатида кўриб чиқилган. Хулоса қилиб таъкидлаймизки, иқтисодиётни трансформациялаш ва ягона рақамли маконни шакллантириш стратегияси шароитида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг иқтисодий хавфсизлигини самарали таъминлаш нафақат иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишда, балки рақамли иқтисодиётнинг ижтимоий ва иқтисодий афзалликларидан самарали фойдаланишда учун ҳам муҳимдир.

#### **Хулоса ва таклифлар**

- Ахборот жамияти ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш асосий омили интеллектуал ресурслардир. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг интеллектуал ресурслари аҳолининг ялпи билим, кўникма, ахборот, технологик ва маънавий салоҳияти, таълим даражаси ва сифати ҳисобланади.

- Миллий иқтисодиётнинг рақамли иқтисодиётга трансформациялашуви шароитида ИТТКИга йўналтирилган инвестицияларнинг роли катта. Бироқ Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ИТТКИ олиб борувчи институтларнинг республикадаги ўрни ҳамда унга йўналтирилган харажатларда сезиларсиз даражада эканлигини кўрсатмоқда.

- Конвергенция механизми – иқтисодиётни рақамлаштириш, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали минтақаларро ва ички минтақавий дифференциация даражасини сезиларли даражада камайишига олиб келади.

- Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини конвергент ривожлантириш механизмига қуйидагилар киради: иқтисодиётни рақамлаштириш; инновацион фаолиятни рағбатлантириш; ишлаб чиқариш омилларининг (меҳнат, капитал) технологик трансферти ва ҳаракатчанлигини рағбатлантириш; иқтисодиётни таркибий трансформациялаш; минтақаларро, ичкиминтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш; институционал ислоҳотлар ва ҳоказо.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
3. Берсенев, В.Л. Ведущие центры исследования проблем экономической безопасности в России / В.Л. Берсенев. // Экономика региона. - 2019. - Т. 15, вып. 1. – С. 29-42.
4. Квашицкий, В. Истоки эволюционной экономики / В. Квашицкий // Истоки: из опыта изучения экономики как структуры и процесса / [редакционная коллегия: Я.И. Кузьминов и др.]. - 2-е изд. - Москва: Изд. дом ВШЭ, 2007. – С.95.
5. Hurwicz, L. On informationally decentralized systems / L. Hurwicz. - Текст: непосредственный // Decision and Organization / R. Radner, C.B. McGuire (eds.). - Amsterdam and London: North-Holland, 1972. - P. 297-336.
6. Сенчагов, В.К. Экономическая безопасность России: Общий курс: учебник / под ред. В.К. Сенчагова. - 3-е изд., перераб. и доп. – Москва: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2016. – С.28.
7. Россинский М.В. Методология обеспечения устойчивого развития территории в рамках эколого-экономической безопасности: дис.д-ра экон. наук: 08.00.05 / М. В. Россинская. – Ростов-на Дону, 2006. – С.16.
8. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: Назария ва амалиёт Дарслик. – Т., 2019 й. - 455 б.
9. Турсунов Б.О. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Т.: “Инновацион ривожланиш” нашриёт-матба уйи, 2021 15-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. – Т.: Халқ сўзи. 2020 йил 24 январь.
12. Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият статистик тўплам. –Тошкент, 2021. асосида муаллиф томонидан тузилган. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. – Т., 2021 й. 44-б.
13. Маматов М.А. Инновацион инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш сифатига таъсирини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2017. 65-б.
14. Ўзбекистонда илм-фан инновацион фаолият. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. – Т., 2021 й. 52-б.
15. Отажонов Ш.И., Далиев Х.Х. Илмий-техник ишланмаларни тижоратлаштириш асосида иқтисодиётни инновацион ривожлантириш. //Халқаро молия ва ҳисоб. №6, 2021 йил декабрь.
16. <https://uzptk.uz/>
17. Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. – Т.: “Замин Нашр” нашриёти, 2018 й. 38-б.



**ЖАҲОН БОЖХОНА ТАШКИЛОТИНИНГ РАҚАМЛИ БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ОИД ЁНДАШУВЛАРИ**

**Эргашев Қобилжон Эрназарович -**  
Божхона қўмитаси Божхона институти  
Божхона назорати кафедраси  
катта ўқитувчиси

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a14](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a14)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Жаҳон Божхона Ташкилотининг (ЖБТ) хизматларни рақамлаштириш билан боғлиқ ёндашувлари таҳлил қилинди. Жаҳон Божхона Ташкилотининг рақамли божхона хизматини ривожлантириш, такомиллаштириш сиёсати ўрганиб чиқилди. Шунингдек, бу ёндашувларнинг ютуқ ва камчиликлари тадқиқ қилинди. Бу ёндашувларни Ўзбекистонда жорий этиш юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** рақамли божхона хизматлари, ЖБТнинг Стратегик Режаси, ЖБТнинг Иш Дастури, ЖБТнинг Етуклик Модели, Рақамли божхона модели, Ягона дарча, Big data, Data mining, e-Gates, u-Customs, UNI-PASS, E-Mirsal, Bilge.

**ПОДХОДЫ К ВНЕДРЕНИЮ ЦИФРОВЫХ ТАМОЖЕННЫХ УСЛУГ ВСЕМИРНОЙ ТАМОЖЕННОЙ ОРГАНИЗАЦИИ**

**Эргашев Қобилжон Эрназарович -**  
Старший преподаватель кафедры таможенного контроля  
Таможенного института Таможенного комитета

**Аннотация.** В данной статье проанализированы подходы Всемирной таможенной организации (ВТМО) к оцифровке услуг. Изучена политика развития и совершенствования цифровой таможенной службы Всемирной таможенной организации. Также исследуются преимущества и недостатки этих подходов. Сделаны выводы и предложения по реализации этих подходов в Узбекистане.

**Ключевые слова:** цифровые таможенные услуги, Стратегический план ВТМО, Рабочая программа ВТМО, Модель зрелости ВТМО, Цифровая таможенная модель, Единое окно, Big data, Data mining, e-Gates, u-Customs, UNI-PASS, E-Mirsal, Bilge.